«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Улуғнор тумани
Ободонлаштириш бошқармаси
бошлиғи:

________ А.Умурзақов

УЛУҒНОР ТУМАН ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИГА ҚАРАШЛИ УЛУҒНОР ТУМАН БЎСТОН МФЙ ИЧКИ КЎЧАЛАРИНИ АСФАЛЬТЛАШ ИШЛАРИНИ ЛОЙИХА-СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЁРЛАШ УЧУН ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

**Улуғнор тумани – 2022 йил**

Танлов хужжатларининг мазмуни:

I.Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

III.Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТ

1.Танлов предмеди: Улуғнор туман Ободонлаштириш бошқармасига қарашли Улуғнор тумани Бўстон МФЙ худудидаги Мехригул кўчаси ички йўлини 2100 метр кисмини асфальтлаштириш ишларини лойиха хужжатларини тайёрлаш.

1.2 Танловнинг юқори қиймати — 34 152 000 (ўттиз тўрт миллион бир юз эллик икки минг) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3 Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларинининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузади.

1.4 Ишларни мажариш муддати: ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуқсон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.

1.5 Ишларни бошлаш муддати аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1 Улуғнор туман Ободонлаштириш бошқармаси (Бундан кейин –“буюртмачи” деб аталади)-танлов ташкилотчиси деб хисобланади.

“Буюртмачи” манзили Улуғнор тумани Шахрихон кўча 5-уй

2.2 Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3 Танлов Улуғнор туман Ободонлаштириш бошқармаси “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатда ўтказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан катий назар шу мазмунда иш ва хизматларни кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага, барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкун.

3.2 Танловда иштирок этиш учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар кўйилади: танлов предмеди ишлар(хизматлар) ни бажариш учун зарур бўлган мехнат ресурслари ва мутахасисларининг мавжудлиги; объектнинг мураккаблик даражасига караб “лицензия” ва гувохнома 684- Конун 13- моддасига риоя этилганлиги бўлиши шарт.

* Моддий техника базаси хамда ташкилотнинг оргтехника рўйхати ускуналари

* Бахтсиз ходисалар бўлган вазиятларда ишчи ходимларининг хаёти суғурталанганлиги

* Техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш талаблари хамда йўриқномалари

* Ишчи ходимларинг диплом нусхалри, мехнат дафтарчалари ёки mehnat.uz сайти орқали рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги хужжат.

* Бажарилган ишларга бериладиган кафолат муддати

* Шу сохада олдин қилинган ишлар бўйича буюртмачилар берган тавсифнома

3.3 Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) билан боғлиқ фаолият қонунчиликга биноан лицензиялаштириш зарур бўлса танловда иштирок етиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабларига рухсат этилади.

3.4 Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: кайта ташкил этилш (ажралиш қўшилиш) тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол мулки мусодара қилинганлар хамда муассислик келишув молиявий иштирок холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий хукуқий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар.

## 4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1 Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар малумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши мумкун

4.2 Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим.

Техник қисм, Буюртмачи томонидан кўйилган техник талабларни бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак:

Нархлар кисми, танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида хизматларни бажариш муддатлари тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошка боғлик курсатгичлар кўрсатилган бўлиши керак;

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлид холда тикилган номерланган ваколатли шахс имзоси ва мухри билан тастикланган холда тақдим этишлари лозим.

4.3 Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади;

Техник хужжатлар рўйхати (брошуралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова килинади);

4.4 Танлов иштирокчиси:

Факат битта таклиф бериши мумкун тақдим этилаётган хужжатларнинг хакикийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

таклифлар бериш муддати тугагунича ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш хуқуқига эга.

## 5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ ЎЗГАРТИРИШ

5.1 Харид комиссияси танлов учун талифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун талуқли холда эьлон қилинган муддатдан яна 5 калундар кунга узайтириши мумукун.

5.2 Таклифлар муддатини ўзгартириши факат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3 Танлов муддатини ўзгартириш тўғрисидаги қарори махсус ахборот парталида жойлаштирилиши лозим.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1 Давлат харидлари тўғрисидаги қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2 Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларини аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилишга мажбурдир.

6.3 Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хаққонийлиги ва тўғрилигига жавобгардур. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликга белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1 Давлат буюртмачи танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугаган санадан камида уч кун олдин карор кабул қилишга хакли. Товарлар (ишни хизматни) ни ўзгартиришга йўл қўйилмайди ушбу

танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан этиборан камида уч кунга узайтирилиши кэрак. Шу билан бтир вақтда агар эълонда кўрсатилан ахборот ўзгартирилган бўлса танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритилади.

7.2 Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига сўров келиб тушган санадан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси агар сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдигон санадан камида 2 кун олдин келиб тушган бўлса ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларини қоидаларига доир тушунтиришлар уларни мазмун-мохиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3 Таклифларни кўриб чиқиш ва бахолаш баёномаси харид комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади хамда кўчирма имзоланган кундан этиборан уч иш куни ичида махсус ахборот парталида элон қилинади.

7.4 Танловнинг исталаган иштирокчиси таклифларини кориб чиқиш ва бахолаш баённомаси эълон килинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга хақли. Давлат буюртмачиси бундан сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларини тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.